

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 28-iyun / SHANBA / № 45-46 (13806-07)

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, мухтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоён медиа-опамда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнاتини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасорати-га қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу кутлуг айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!

Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, “Матбуот тарихи – Ўйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”.

Биз кейинги йилларда, упуғ аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартлари ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгилаш муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиа-контентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжал-

ланган миллий контентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартлари ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентни ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокама-сига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиб берган, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйиш талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонқуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги

турпи иллатлар, коррупция бало-сига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадрли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган тақдирларни инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинда топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақи-га янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари
куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир
гuruhини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик тамойилини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлод-ни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидаги-лар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист»
фахрий унвони билан

Дониёров Салим Мусурмонович – «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти бош муҳаррири

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович – «Жадид» газетаси бош муҳаррири

«Дўстлик»
ордени билан

Амангелдиева Раихан Қдирбаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна – Тўрақўрғон тумани «Давр» газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

Матякубов Камол – «Адолат» газетаси муҳбири

Миршарипов Фарҳоджон Ари-
лонович – Фарғона вилояти телера-

диоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари
Орипов Шухратжон Орип ўғли – «Бизнесни ривожлантириш банки» акциядорлик тижорат банкининг ахборот хизмати раҳбари

Рахимов Абдижаппол Абдизиятович – Чиноз тумани «Чиноз ҳаёти» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти

Титчук Андрей Георгиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Дуноу bo'ylab» телеканали ахборот-информацион дастурлар муҳарририяти монтажчиси

Уринбоев Сайдулла Мардонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори

Хасанов Хайдар Хатамжанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси директори ўринбосари

Хасанов Рўзимбой – «XXI аср» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳбири

(Давоми 2-саҳифада) ►

▼ Эътироф

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ВАКИЛИ –
"ОЛТИН ҚАЛАМ" СОҲИБИ!

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан байрам тадбири ҳамда "Олтин қалам" XIX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада) ►

Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!

Har bir millatning taraqqiyoti, davlatning mustahkamligi uning yosh avlodiga bog'liq ekanini zamonlar sinovidan o'tgan haqiqatdir. Bugungi kunda dunyodagi ko'plab mamlakatlar singari, O'zbekistonda ham yoshlarga bo'lgan e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Ayniqsa, har yili 30 iyunda "Yoshlar kuni" keng miqyosda bayram qilinishi yaxshi an'anaga aylangan quvonarlidir.

▼ Shukuh



Bu sana shunchaki taqvimdagi bir kun emas – bu yoshlarga ishonch, ularning qiziqish va intilishlarini qo'llab-quvvatlash ramzidir. Yoshlar kuni – bu yangi avlodning ovozi, so'zi va orzu-umidlarini ifoda etadigan ulkan ma'naviy voqe'lik. Bu kun – o'z tafakkuri, salohiyati, bilim va tashabbusi bilan Vatan rivojiga hissa qo'shib kelayotgan minglab yoshlarimizning bayramidir.

6



КУДУҚДАН
БУТ ЧИҚҚАН
МУХБИР

3



4

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

II даражали
«Соғлом авлод учун» ордени билан

Нурматов Акбар Норматович – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси мудири
Холбекова Бахор Шайимовна – «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири
«Соғлом турмуш» медали билан
Джумаев Ибрахим – Навоий вилояти «Саломатлик» газетаси муҳаррири
«Келажақ бунёдкори» медали билан
Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли – Тошкент шаҳридаги «Sharof plus» нодавлат но-тижорат ташкилоти лойиҳа менежери

«Шухрат» медали билан

Абилов Фазлиддин Ибрагимович – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари

Авазов Дилмурод Батирович – «O'riat Dono» радиосида музика муҳаррири
Адилова Муножот Асроровна – «Daryo.uz» интернет нашрининг таҳрир бўлими му-саххиси

Асанов Элдар Энверович – «Asanov formati» телеграм канали асосчиси, блогер
Ахатов Собит Темирович – «Xabar.uz»

(давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси-нинг муқовалаш цехи муқоваловчиси
Джумаев Хидоят Иноятovich – Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори
Каршиев Азиз Ражабович – «Kun.uz» интернет наشري муҳаррири
Корабоев Шамшидин – Фарғона вилоя-ти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи

Мадатова Зилола Мухамадалиевна – «Маърифат» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари
Макаренко Никита Анатольевич – Ижтимоий тармоқлардаги «Effekt Makarenko» саҳифаси асосчиси, блогер
Маматрайимов Холмунин Норкobilovich – Ўзбекистон Миллий ахборот агентли-гининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳлов-чиси

Муминова Гулрух Комиловна – Са-марқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самар-кандский вестник» газеталари таҳририяти махсус мухбири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич – Ўз-бекистон Миллий телерадиоканалининг «O'zbekiston MTRK телерадиомаркази» давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма тех-ника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли – Тошкент шаҳридаги «SAS-Media» масъулияти чеклан-ган жамияти раҳбари

Раббимов Камолиддин Мухиддинович – «Kamoliddin Rabbimov» телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси

Рашидова Наргизахон Рашидовна – «Менинг юртим» телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири

Сакаева Элина Ибрагимовна – «Gazeta.uz» интернет наشري муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна – Касби тумани ахборот-кутубхона маркази-нинг абонент ва фойдаланувчиларга хиз-мат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқа-дарё вилояти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Sport» ижодий бирлашмаси шарҳлов-чиси

Шерова Лазила Шомиловна – «Ўзбекис-тон овози» газетасининг парламент фаолия-ти бўлими мудири

Якубжоновна Нилуфар Ойбековна – Ан-дждон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

▼ Семинар

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ОРАСИДАГИ КЎПРИК

Юртимизда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғини-га айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жойларда аҳоли би-лан ишлаш, муаммоларни барвақт аниқлаб, ечим топиш, давлат органлари ва жамоат-чилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақса-дида турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



Мазкур ҳужжатларни ўрганиш мақсадида вилоя-тимизнинг 22 та туман ва шаҳарларидаги 1 минг 25 нафар янги сайланган маҳалла раислари учун ўқув-амалий семинарлар ташкил этилди.

Маҳаллабай ишланишнинг асосий принциплари-ни амалиётда қўллаш, ҳуқуқий асослар, «маҳалла еттилиги» фаолияти, аҳоли билан манзилли ишлаш қўнимчаларини шакллантириш, шунингдек, маҳал-лаларда профилактик ишларни самарали ташкил этиш, халқ розилигини таъминлаш механизмлари-ни раисларга етказиш мақсадида ташкил этилган семинарларда 18 та амалий мавзу қамраб олинди. Раислар «маҳалла еттилиги» фаолияти, жиноятлар-нинг олдини олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва манзилли ёрдам, электрон мурожаатлар билан ишлаш, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кекса фуқароларга қўмаклашиш каби йўналишлар-да билим ва қўнимчаларга эга бўлдилар.

«Биз маҳаллани кучайтирмас эканмиз, ислохот-ларимиз жойларда тўлиқ ишламайди. Маҳалла – давлат ва халқ ўртасидаги кўприкдир», дея таъкид-лаган эди давлатимиз раҳбари.

Янги сайланган маҳалла раислари энди халқ-нинг муаммоларига бетараф эмас, балки уни ҳал этишда ташаббускор ва ечим топувчи бўлишлар-и керак. Уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқий билим ва амалий қўнимчаларини шакллантириш маҳалла тизими янада самарали ишлашига хизмат қилади.

Семинар якунида ҳар бир маҳалла раисига Ўз-бекистон Республикаси Президентининг асарлари совға қилинди.

Матлуба МАМАДАЛИЕВА,
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари ходимларининг малакасини
ошириш ўқув курси бўлим бошлиғи

Шу муносабат билан саройга соҳа вакиллари, устоз журналистлар, медиа соҳасида хизмат қилаёт-ган ижодкорлар, ношир ва матбаачилар таклиф этил-дилар.

Президентимизнинг

Матбуот ва оммавий ахб-

хусусида тўхталишди. Жўмладан, «Олтин қа-лам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифа-сини бажарувчи Холмурод Салимов мамлакатимизда Президентимиз раҳбарли-

мушоҳада, сўзга масъу-лият ва ифода маҳорати, ижодий фаолиятга янгича ёндашув каби мезонлар асосида ҳолис баҳоланди.

Тадбирда «Олтин қа-лам» Миллий мукофоти-га сазовор бўлган ҳамкасбларимизга пул мукофот-

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ВАКИЛИ – "ОЛТИН ҚАЛАМ" СОҲИБИ!



рот воситалари ходимла-рига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот ко-тиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари-нинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хо-димлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони-га кўра, бир гуруҳ фаол жур-налистлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдир-ландилар.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ана шу мукофотларни ўз соҳибларига топширди.

Тадбирда сўз олганлар миллий матбуотимиз, но-ширлик иши, оммавий ах-борот воситалари ривож-ига кўрсатилаётган эътибор

(давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

гида ахборот соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётгани, журналист-ларнинг жамиятдаги фаол-лигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағ-батлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, бу йилги танловда 499 та жур-налист ва ОАВ вакиллари 3 минг 251 тадан зиёд ижо-дий ишлари билан ишти-рок этган.

Тақдим этилган ижодий ишлар мавзунинг ижти-моий аҳамияти, журна-листнинг фуқаролик пози-цияси, танқидий-таҳлилий

лари, дипломлар, махсус статуэткалар топширилди.

Қувонарлиси, танлов-нинг рағбатлантирувчи но-минацияларидан бирини «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» га-зеталари бош муҳаррири ўринбосари Сухробжон Са-дилов қўлга киритди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчи-си Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Қонун-чилик Палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов ишти-рок этди.

Ўз мухбиримиз

▼ Депутат минбари

У аввалги чақириқда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатли-гига сайланганида мактаб директори эди. Янги чақириқда ҳам депу-татликка сайланди. Аммо, бу сафар мактаб директорининг ўринбоса-ри сифатида рўйхатга олинди. Қизиқ ҳолат: лавозимда пасайиш, айни вақтда, депутатлик учун ишонч...

Кенгашлар учун кенгайган имкониятлар

Буларнинг сабабини суриштирганимиз-да, депутат иш берувчи масалани жиддий ва кўндаланг қўйганини айтди:

– Депутатлик ишингиз жуда кўпайиб кетди. Ҳали сессия, ҳали доимий комиссия йиғилиши, ҳали партия гуруҳи мажлиси... Яна фуқаролар қабули. Бундай вазиятда директорлик вазифасини ким бажаради? Олдингида икки йўл бор: ё директорликни танланг, ё депутатликни.

Шундай қилиб депутат лавозимдан воз кечиш ҳақида ихтиёрий-мажбурий қарор қабул қилди. Айрим мулоҳазаларга кўра, вилоят Кенгаши депутатининг исми шарифини, сайланган округи рақамини келтир-мадик.

Бу каби муаммолар, афсуски, учраб ту-ради. Воқеани бежиз эсга олганимиз йўқ. Сабаби, энди бу каби нохуш ҳолатларга йўл қўйилмайдиган. Чунки...

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2025 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Рес-публикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йил-га қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони маҳал-лий Кенгашлар имкониятларини янада кен-гайтириш, улар ваколатларини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиши би-лан айна вақтида қабул қилинган долзарб тарихий ҳужжатдир.

Тасдиқланган Концепция билан маҳал-лий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари бел-гиланди. Улар ўз ичига олган мақсадлар орасида маҳаллий Кенгашлар, уларнинг органлари ҳамда депутатларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, бюджет ва ҳудудларни режалаштириш жараёнлари-даги иштирокини кучайтириш каби етти-та долзарб йўналиш бор.

Аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаат-лари оид муҳим ва долзарб масалалар-ни ҳал этишни «маҳалла еттилиги» – ту-ман (шаҳар) Кенгаши – вилоят Кенгаши – Сенат) тамойили асосида кучайтириш, маҳаллий Кенгашларнинг норма ижод-корлиги соҳасидаги фаолиятини тако-миллаштириш, қарорлар ишлаб чиқишда кенг жамоатчиликнинг тўлақонли ишти-рокини таъминлаш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-институционал асосларини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳи-ятини мустаҳкамлаш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ўзаро ва халқаро ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш, улар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, «E-kengash» электрон платформасини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолат-ларини янада кучайтириш ҳам юқорида саналган мақсад ва йўналишлар сирасига киради.

Маълумки, маҳаллий Кенгашлар фао-лиятини янада кучайтириш ўта муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қабул қилинган ушбу фармон билан де-путатлар учун келгуси йилларда бир қатор имтиёзлар ва улар фаолиятига алоқадор ваколатлар берилиши назарда тутилмоқда.

Депутатлик фаолияти кафолатларини кенгайтириш мақсадида хорижий давлат-лар тажрибаларини ўрганган ҳолда қонун-чилик ҳужжатлари ва амалиётга бир қатор ўзгаришлар киритилиши Концепцияда бел-гилаб қўйилган.

Биринчи навбатда, депутатнинг ўз фао-



лияти билан боғлиқ ишлар билан шуғуллани-ши учун унинг асосий иш жойи бўйича иш берувчининг масъулиятини янада ошириш механизми ишлаб чиқади. Бунда ташки-лотларнинг раҳбарлари томонидан ўз хо-дими бўлган депутатни маҳаллий Кенгаш сессияси, доимий комиссиялари, партия гуруҳлари мажлисларида иштирок этиш, сайловчилар билан учрашувлар, фуқаро-лар қабулларини ўтказишга тўққинлик қи-лишига йўл қўйилмаслиги қонунчиликда белгилаб қўйилади. Бу орқали депутатлар-га депутатлик фаолиятини янада эркинроқ амалга ошириш билан бир қаторда, ўзин-нинг доимий иш жойини ҳамда оладиган даромадини тўлиқ сақлаб қолиш имкония-ти яратилади.

Бундан ташқари, депутат фаолияти кафолатларини янада кучайтириш мақса-дида унинг тегишли ҳудудда жойлашган, монеликсиз кириши мумкин бўлган корхо-налар, муассасалар ҳамда ташкилотлар доирасини ва уларга кириш тартибини аниқ белгилаш назарда тутилмоқда. Бу каби имкониятлар халқ вакилларига тегишли ҳудудда самарали депутатлик назоратини амалга ошириш имкониятини янада кен-гайтириши шубҳасиз.

Шу ўринда Концепциянинг фақатгина бир йўналиши ҳақида фикрлашганимиз-ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг қолган олти мақсад ва йўналишларида ҳам маҳал-лий Кенгашлар ваколат ҳамда имкониятла-рини кенгайтириш борасида жуда кўплаб янгилликлар бор.

Янги фармон муқаддимасида таъ-кидланганидек, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амал-га оширилган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, Халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларнинг такомиллашаёт-ганлиги, шунингдек, янгиланган Конститу-цияда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, «Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким» тамойилини амалга ошириш асосий мақ-сад саналади. Бу мақсадлар тўрт гуруҳга ажратилган.

Шунингдек, фармонда дастурий ҳуж-жатлар ва уларни амалга ошириш меха-низмлари аниқ ва яққол курсатиб берилган. Фармонни маҳаллий давлат ҳокимия-ти вакиллик органлари фаолиятини янги, халқчил ва мукаммал босқичга олиб чиқиш йўлидаги жуда катта ва дадил қадам сифа-тида баҳолаш лозим. У мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисо-дий ислохотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати

Ўзбекистон матбуоти архив ҳужжатларида

▼ Кўргазма

Газета ва журналлар, даврий нашрлар, телекўрсатувлару радиоэшиттиришлар қандай тайёрланади? Уларнинг ортида ким-ларнинг заҳматли меҳнатлари мужассам?

Тошкент Фотосуратлар уйида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот восита-лари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекис-тон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекис-тон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий агентлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўз-бекистон матбуоти архив ҳужжатларида» номли кўргазмада ана шу саволларга ба-тафсил жавоб оласиз.

Тадбирда миллий матбуотимизга кўр-сатилаётган эътибор журналистларни янада катта масъулият ва фидойилик

билан меҳнат қилишга чорлаётгани қайд этилди.

Мазкур кўргазмада Ўзбекистон Кино-фотофоно ҳужжатлари миллий архивда сақланаётган 1928-2021 йилларга оид суратлар ҳамда Ўзбекистон Миллий ах-борот агентлиги томонидан тақдим этил-ган юртимиз матбуоти ва оммавий ахбо-рот воситаларининг ривожланишини акс эттирувчи 150 дан ортиқ фотоҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада даврий нашрларда ўтка-зилган ижодий учрашувлар, мулоқотлар, қизгин меҳнат жараёнлари, босмахо-наларнинг фаолияти, интервью ва сўхбат-лар, республика марказий ва ҳудудий,



маҳаллий газета ва журналлар, телера-диостудияларнинг иш жараёнлари, ме-диа материаллар устида иш олиб бориш, мухбирлар, ноширлар, матбаачиларнинг машаққатли меҳнати фотосуратларда акс эттирилган. Шу билан бирга, бу ерда телерадио соҳасининг фидойи ходимла-

рининг иш жараёнлари билан ҳам турфа суратлар воситасида танишиш мумкин.

Кўргазма орқали миллий матбуотимиз ҳам қийин, ҳам зафарли йўлларни босиб ўтганига яна бир қарра гувоҳ бўлиш мум-кин.

ЎЗА

▼ Мозийга қайтиб

XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон оғир ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошидан кечирган эди. Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгач, ўзининг чиркин мустамлака сиёсатини бошлаб юборди. Маҳаллий аҳоли орасида норозилик ҳаракатлари кундан-кунга кучайиб борди. Натижада халқ орасидан маърифатпарвар кучлар – жадидлар юзага чиқиб, ўзларининг ғояларини илгари суриш, фикрларини оммага етказишга интилдилар. Бунинг учун уларда ўзларининг мустақил матбуотини очиш зарурати туғилган эди.



Маҳаллуе ва тафраккур



Айни шу омишлар сабаб, бундан қарийб 120 йил олдин, аниқроғи 1906 йил 27 июнда Тошкентда жадидчиларнинг "Тараққий" газетаси чиқа бошлаган. Шу сана боис ҳам ҳозирги кунда Ўзбекистонда 27 июнь – "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари куни" сифатида нишонланади. Мазкур газета нашр этилиши билан ўзбек миллий матбуотига ўзига хос тамал тоши қўйилди. Шундан сўнг ўзбек халқининг миллий манфаатлари учун курашувчи, халқимиз ҳаётининг турли соҳаларини ёритувчи, жамиятда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеалардан хабар берувчи "Хуришд", "Шухрат", "Тужжор", "Осиё" каби газета ва

журналлар чиқа бошладилар.

Дастлабки вақтда зиёилилар "Тараққий" газетасига алоҳида қизиқиш билан қарайдилар. Афсуски, уларнинг мазкур газетадан кутган нарсалари юзага чиқмайди ва тез орада тўхтатилади.

Аммо шу қисқа вақт ичида мазкур нашр дадил туриб, маҳаллий фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга уринади. Хукуматга бўлган муносабатини билдиради. Газета саҳифаларида эркинлик ва озодлик ғоялари туғилади. Шу сабабдан мустабид ҳукумат нашрини тўхтатади. "Тараққий"нинг муҳаррири Исмоил Обидий қамоққа олинади. Шу сингари бошқа нашрларнинг фаолияти ҳам узоққа бормади.

Бугун миллий матбуотимизнинг XX аср бошларида эълон қилинган нашрларини варақлар эканмиз, жадид адабиётининг ажойиб намуналари ўша даврда юз берган тарихий воқеалар, иқтисодиёт, фан ва маданият соҳасидаги янгиликлар билан

танишамиз, халқимиз ҳаётининг олис манзаралари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Маълумки, ўзбек миллий матбуоти тарихида бугунги кунда "Ўзбекистон овози" номи билан чиқаётган газета ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу газета илк бор 1918 йилнинг 21 июнидан "Иштирокион" номи билан Москвадан "кенг ҳуқуқлар билан келган" Ориф Клеблеев муҳаррирлигида чиқа бошлаган. 1920 йилнинг 19 декабридан бошлаб газета "Қизил байроқ", 1922 йилнинг 10 сентябридан "Туркистон", 1925 йилнинг 5 декабридан эса "Қизил Ўзбекистон" номи билан нашр этила бошлаган.

Эътиборли жиҳати, ўша вақтларда чоп этилган нашрларда мақолаларга қўйилган таҳаллуслар авж палласига кирган эди. Бунинг ўзига хос маънавий, сиёсий ва бадиий омишлари бор, албатта. Аммо энг бирламчи сабаби жамиятда цензура ва таъқиқларнинг кўплиги бўлган. Шунингдек, таҳаллус фақатгина ҳимоя эмас,

балки маълум ғоя ва фикрларнинг тимсолига айланган рамзий ном ҳам эди. Муаллифлар ўз исмларини яшириш учун мақолани турли шаклларда имзолаганлар. Жадидларнинг аксари таҳаллус орқали ўз позициясини ифода этишга, жамиятни уйғотишга ҳаракат қилган.

Мисол учун, маърифатпарвар жадид Маҳмудхўжа Бехбудий "Бехбудий", "Туркистонлик", "М.Б." таҳаллуслари билан танилган бўлса, ўзбек матбуотининг майдонга келиши, унинг тарихий тараққиётига улкан ҳисса қўшган Мунавварқори Абдурашидхон матбуотдаги чиқишларини "Мунаввар" ва "М.А." имзоси билан имзолаган. Шунингдек, Абдулла Авлоний "Авлоний", Садриддин Айний "Айний" Ҳамза Ҳакимзода Ниезий "Ҳамза", "Ниезий" каби таҳаллуслар билан мақолалар эълон қилишган.

Худди шундай ҳолат 20-йилларнинг бошларида ҳам авж олган бўлиб, шу даврда ижод қилган ёзувчи ва журналистлар

ҳам ўз исм-шарифларини турлича атаганлар. Бу таҳаллусларнинг бир қисми кўп учраган ва машҳур бўлгани учун (масалан, Жулқунбой, Чўлпон, Фитрат) уларнинг кимга мансуб эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Аммо, шундай таҳаллуслар борки, уларни бирор ёзувчи ёхуд журналистга нисбат бериш катта қийинчилик туғдиради. Масалан, Чегабой, Ғурт, Биров, Кезувчи, Нўғай боласи, Хўжавачча, Эшитгучи сингари ўнлаб таҳаллуслар остида эълон қилинган мақолалар ва адабий асарлар қайд этилганки, уларнинг кимга мансуб эканлиги номаълум бўлиб келмоқда. Айрим муаллифлар ўз мақолаларини гоҳ исмлари, гоҳ оталарининг исми билан (Шокиржон Раҳимий, Сулаймон, Раҳим Ш.) гоҳ исм-шарифларининг бош ҳарфлари (масалан, Ш.Р.) билан имзолашган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тарихимизни ҳаққоний ёритишга ўтган давримизда таҳаллуслар тарихини, уларнинг кимга тааллуқли эканини, танлашга сабаб бўлувчи омишларни, таҳаллусларнинг муаллиф феъл-атвори, ижодининг хусусиятларига болғик жиҳатларини аниқлаш, татбиқ этишга оид илмий ишларни амалга ошириш ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки, бу шаҳслар Ватанимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлган маърифатпарварлар эди.

Вазира СОБИРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

1985 йилнинг 5 июнь куни отам вафот этди. Ўзининг айтишича саксон беш ёшда, расмий ҳужжат бўйича 82 ёш эди. Иродаси тетик бўлганлиги сабаб деярли тўшақда ётмади. Ўлимидан икки кун олдин менга: “Бир гаплашиб ўтирайлик, зерикиб кетяпман”, деганди. Отам онамдан сўнг тўққиз йил яшади. Отам вафот этганидан мен 34 ёшда эдим, мана ётмиш бешни қоралаб қўйдим. Инсон кексайган чоғида ёлғиз қолиб, меҳр-эътиборга муҳтож бўлиши ёмон экан. Табиийки, ўшанда буни билмасдим. Мана энди бошимдан ўтиб, ҳис қиялпман...



юбора олмамиз”, деб умрининг охиригача қуйиб ўтди. Бу айрилиқдан сўнг у Тошкентда туришни хоҳламайди ва Ғафур Ғуломнинг тушунтиришига қарамай, қишлоққа – Қорахитойга қайтади ва “Қурама ҳақиқати”, ҳозирги “Охангарон ҳаёти” газетасига муҳаррирлик қилади.

Отам қишлоққа қайтганидан кейин ҳам Тошкентдаги шоир, ёзувчи ва муҳбир оғайнилари тез-тез уйимизга келиб туришарди. Жумладан, Ғафур Ғулом, Акмал Пулат, Йўлдош Шамшаров, Назир Сафаров каби машҳур адиблар отамни йўқлаб Қорахитойга келишар эди. Амманнинг айтишича, Ғафур Ғулом отамга: “Шаҳардан бекор кетиб қолдинг, қишлоқда ўсиш қийин, майли, қизинг вояга етгач, ўзим уни Тошкентда ўқитаман”, дер экан.

Отам қўрқмас муҳбир эди. У ҳеч кимни юз-хотир қилмас, газеталарда тез-тез танқидий мақолалар чиқарар эди. Бир сафар “Хотинбоз прокурор” феълётоини учун прокурор йўллаган одамлар кечқурун қўлларидан пичоқ билан отамни ўлдирамиз деб қувла-

ғонди. Шеърлар ҳам ёза бошладим. Кейинги йили ТошДУнинг филология факультетига имтиҳон топширдим, яна балим етмади. Баҳорда аскарликка жўнатишди. Кемеровода ҳарбий хизматни ўтаётганимда ҳам газеталарга “Н-қисм” ҳаётидан мақолалар, шеърлар юбориб турардим. “Машъал” ва Оққўрғоннинг “Мўл ҳосил учун” газетасидан гонорарлар келар, қисмдаги энг бой аскар мен эдим.

Отам бирор маротаба менга уни ёки буни ёз деган эмасди. Кўпроқ у кишининг ёзганларидан ва газеталардан ўргандим. Отам асосан қалдирғоч периода сиёҳ билан ёзар, мен ҳам шундай қилар эдим. Шарикли ружка кейин пайдо бўлди.

Отамнинг ҳақиқий муҳбир эканлигини бир ажиб одатидан билса бўларди. У ҳар куни эрталаб соат саккизда қишлоқ марказига бориб, Тошкентдан газета-журналлар келишини кутар, аввалгига ўша жойнинг ўзида бир ўқиб олар, уйга келгач яна бир бор мугтолаа қиларди. Кўпинча ёзганларини почта орқали юборар, баъзан Тўйтепага (ҳозирги Нурафшон – таҳририят) автобус ёки поездда бориб, мақолаларини топшириб келар ва албатта, ҳар боришда таҳририятдан мўлгина қалам ҳақи олиб, рўзгоримизга барака киритарди.

“Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи” китобининг саккизинчи томида отамнинг “Охангарон бўйлариди” сарлавҳали очерклар тўплами босилиб чиққанида минг сўмга яқин гонорар олгани ёдимда. Бу очерклар бизга “Охангарон қиссаси” китобини ёзишда жуда қўл келди. У тез-тез даладар, боғлар ва фермаларга бориб деҳқонлар, чорвадорларга газеталарнинг янги сонларини ўқиб берар ҳамда улар ҳаётига оид мақолаларни республика нашрларига юборар, мақолалари “штатсиз муҳбир” имзоси билан босилиб чиқарди.

1982 йилда “Охангарон” газетасининг эълим йиллик билеийи бўлиб ўтди. Ўша куни отам мукофотланганлар рўйхати чиққан газеталарга қайта-қайта кўз югуртирди, билдимки, ниманидир излади. Унинг хафа бўлганини сездим. Отам эса ўрнидан туриб ток қайчисини олди-да, тоқзорлар орасига кириб кетди.

Отам ўз даври матбуотининг садоқатли бир жангчиси эди. Мухбирлик касбига умрининг охиригача содиқ қолган соддагина отам билан чексиз фахрланаман.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Ўзбекистон Журналистлар уюмаси аъзоси

Отам вафот этган куни уйимиз одамга тўлиб кетди. Райкомнинг биринчи котиби Карим Икромов, район партия ва ижроия кўмиталари масъул ходимлари, фаоллар келишди. Таҳририятда ишлаганигим боис уларнинг аксариятини яхши танирдим. Жаноза олдиндан райком ходими: “Тожи ака эски коммунистлардан, митинг ўтказамиз”, деди. Кўп одамлар сўзга чиқишди. Отамнинг шогирдларидан бири: “Тожи ака ёлғон гапни ёмон кўрарди. У камтар ва фидойи инсон эди”, деб таърифлади. Хуллас, отамни ўша давр талабига биноан иззат-икром билан кўмдик.

Икки кун ўтиб, туман газетасида отамга каттагина таъзиянома берилди. Таъзияномани ўқиб, отамнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ўйлаб бошладим.

“Охангарон” газетасининг 1985 йил 7 июнь сониди босилган таъзияномани тўлиғича келтираман:

“ТОЖИ ХУШНАЗАРОВ
Кекса муҳбир, 1925 йилдан КПСС аъзоси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси Тожи Хушназаровнинг юраги уришдан тўхтади.

Тожи Хушназаров 1903 йилда ҳозирги Охангарон районидеги Қорахитой қишлоғида туғилди. Турмуш қийинчиликларини эрта бошидан кечирди. У ишчилар курсида, сўнгера област партия мактаби раҳбар ходимлар тайёрлаш курсида, Урта Осиё давлат университетини қошидаги муҳаррирлар тайёрлаш курси ва кечки тўқима-чилик техникумида ўқиди. Меҳнат фаолиятини қишлоқда ўқитувчиликдан бошлади.

1921-1922 йилларда Облқ

фронти штабида таржимонлик қилди. Сўнгара “Қўшчи” союзи раиси ва район ер-сув ислухоти комиссияси аъзоси сифатида ислухотни ўтказиш, дастлабки колхозлар тузилиши, советларни мустақамлашда актив қатнашди. Колхозчиларнинг Бутуниттифок 1-съезидега делегат, саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлиги учун курашчилар сафида бўлди. Ўзбекистон советларининг 11-съезидида иштирок этди. Район партия комитети аппаратида

қўшимчаларни қўйишни лозим деб топдим. Зеро, отамнинг ҳаёт йўли оддий бир қишлоқ муҳбирининг ҳаёт йўлидир. Мен отам ҳақида кўп гапларни аммам Норбуви Аҳмедовадан эшитганман. Аммам анча саводли бўлиб, Қуръонни ёддан билар, отам билан араб алифбосида ёзишмалар қиларди. Аммам отамни “муллака” деб қақирарди. Бу ибора ўша пайтда саводли одамлар учун ишлатиларди.

Октябрь инқилобига қадар Қорахитойда ўн учта масжид бўлган

ҚУДУҚДАН БУТ ЧИҚҚАН МУХБИР

ишлади. Масъул хўжалик вазифаларида бўлиб, район партия комитети бюро аъзолигига, район ва қишлоқ совети депутатлигига бир неча бор сайланди.

Т. Хушназаров 1921 йилдан матбуотда актив қатнаша бошлади. Кўп йиллар мобайнида “Шарқ ҳақиқати” (ҳозирги “Тошкент ҳақиқати”) – таҳририят, “Камбағал деҳқон”, “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) – таҳририят) газеталарида махсус муҳбир, бўлим мудири лавозимларида ишлади. Бир муддат “Охангарон ҳақиқати” газетасининг муҳаррири бўлди. Хуллас, умрининг охиригача матбуот билан алоқасини узмади.

Т. Хушназаров хизматлари учун бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари ва медаллар билан тақдирланган. Камтарин инсон, моҳир журналист Тожи Хушназаровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланади”.

Албатта, бу бир расмий таъзиянома, ҳужжат... Мен эшитганларим ва кўрганларим боис унга баъзи бир

екан. Аммам ва тўқсон ёшда до-рилбақога рихлат қилган акам Комил Тожиёвнинг айтишича, отамнинг отаси – Хушназаров буваимиз ана шу масжидлардан бирида сўфи бўлган. Бобом, шубҳасиз, отамнинг ҳам диндор бўлишини хоҳлаган ва уни Тошкентга – Кўкалдош мадрасасига ўқишга юборди. Амманнинг айтишича, отам мадрасадан сабоқ олиш билан бирга рус-тузем мактабига ҳам ўқишга киразида ва рус тилини яхшигина ўрганиб олади.

Кейинчалик унда муҳбирликка иштиёқ уйғонади. 1925 йилда отам партия сафига ўтади ва уни ўша пайтдаги пойтахт – Самарқандда чоп этиладиган “Камбағал деҳқон” газетасига ишга юборадилар. Отам бу газеталарда ўзбек ва тожик адабиётининг улкан намояндаси Садриддин Айний билан тез-тез мулоқотда бўлиб турган.

Ҳамза билан бўлган учрашувни отамнинг ўз оғиздан эшитган эдим: – Бир куни редакцияда мақола-ми таҳрир қилиб ўтирсам эшик очилиб, хонага келишган, ярим ҳарбий кийинган, истараси иссиқ бир одам

Отам тез-тез водий томонларга борар, турмушда рўй бераётган янгиликларни мунтазам газеталарда ёритиб турарди. Бир қизик гапни Комил акам ва ҳозир ҳаёт бўлган меҳнат фахрийси Ҳамид Сулаймоновдан эшитганман.

Уларнинг сўзлашича, 1931 йилда отам (муҳбирлик пайтида) бир муддат Фарғона ижроқўми раиси Бузруқхўжа Усмонхўжаевнинг уйида яшаб туради. Ўшанда Иномжон Усмонхўжаев бешикдаги гўдак экан. Баъзан йиғлаб қолган пайтларида отам бешикни тебратиб тураркан. Тошкентга қайтаётганда Бузруқхўжа амаки отамни вокзалгача кузатиб, поездга солиб юборар ва қўлга озқивкат солинган каттагина туғунини тутқазиб: “Буни Ғафур Ғуломга бериб кўярсиз”, деб тайинлар экан.

1932 йилда отамнинг укаси, Абдуҳалиқ амаким касаллик туфайли вафот этади. Отам укасини жуда яхши кўрар, Абдуҳалиқ Москвада институтда ўқиб юрганда совуқ жойларда ўпкаси шамоллагани, Ўзбекистонга қайтгач, оғирлашиб қолади. Отам: “Укамга тузукроқ пул

шадам кириб келди, – деганди отам. – Бу одам Ҳамза эканлигини дарҳол ҳис қилдим. У сўзга уста, чиرويли гапирар, албатта, ҳар бир одам унинг сўзларига сехрланган қоларди. У менга қаламим ўтириб бўлишини, фақат ҳақиқатни ёзишни уқитиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

1929 йилда пойтахт Тошкентга кўчгач, отам “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаб бошлади. Отамнинг айтишича, Ғафур Ғулом ҳам у билан бирга ишлаган экан.

Уларнинг сўзлашича, 1931 йилда отам (муҳбирлик пайтида) бир муддат Фарғона ижроқўми раиси Бузруқхўжа Усмонхўжаевнинг уйида яшаб туради. Ўшанда Иномжон Усмонхўжаев бешикдаги гўдак экан. Баъзан йиғлаб қолган пайтларида отам бешикни тебратиб тураркан. Тошкентга қайтаётганда Бузруқхўжа амаки отамни вокзалгача кузатиб, поездга солиб юборар ва қўлга озқивкат солинган каттагина туғунини тутқазиб: “Буни Ғафур Ғуломга бериб кўярсиз”, деб тайинлар экан.

1932 йилда отамнинг укаси, Абдуҳалиқ амаким касаллик туфайли вафот этади. Отам укасини жуда яхши кўрар, Абдуҳалиқ Москвада институтда ўқиб юрганда совуқ жойларда ўпкаси шамоллагани, Ўзбекистонга қайтгач, оғирлашиб қолади. Отам: “Укамга тузукроқ пул

A black and white photograph showing three individuals in white lab coats standing in a field of tall grass. They are gathered around a plant, with the man on the right holding it. In the background, a New Holland tractor is visible, along with another person standing further back. The scene appears to be a field research or agricultural demonstration.

Абдулазиз МУСАЕВ

Х. БОБОНОВ,
“Қамчиқ” Махсус қидирув,
ёнгин-қутқарув бошқармасы
бошлиғи, полковник

Viloyatimizning umidli yoshlari



Eng faol hokim yordamchisi

O'tgan yilning 2-choragida Mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi tomonidan "Mahalla yettilligi" bilan hamkorlikda aholi bandligini ta'minlash va tadbirkorlikni rivojlantirishda yuqori natijadorlikka erishgan hokim yordamchilarining TOP-100 reytingi aniqlandi.

Unda Ohangaron tumanining "Uvak" mahallasida tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha hokim yordamchisi Muhayyo Matazova ham bor. Bu bejizga emas.

Endigina 29 yoshni qarshilagan Muhayyoning tashabbusi bilan mahallada 320 ta ish o'rni yaratildi. 10 nafar fuqaro kasb-hunarga o'qitilib, tadbirkorlik ko'nikmalari shakllantirildi. Shuningdek, hokim yordamchisining sa'y-harakatlari bilan tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida 6 oylik ko'rsatkichlarga ko'ra sanoat, xizmat ko'rsatish va qishloq xo'jaligi yo'nalishlarida 830 mln. so'mlik 25 ta mikroloyiha yaratildi.

"Izlagan imkon, izlamagan bahona topadi", deydi dono xalqimiz. Azaldan uvakliklar tomorqadan samarali foydalanib kelishgan. Biroq tomorqachilikda yangicha yo'nalishlar boshlash uchun mablag'ga ehtiyoj bor edi. Shuni e'tiborga olib, 35 nafar fuqaroga o'z tadbirkorliklarini boshlash uchun kreditlar ajratildi.

Jumladan, 12 nafar fuqaroga qishloq xo'jaligi yo'nalishida jami 160 mln., issiqxona tashkil qilish maqsadida 5 nafar fuqaroga 70 mln. so'mlik kredit ajratildi. Shuningdek, tikuvchilik yo'nalishida 75 mln., qandolatchilikda 40 mln. va boshqa turli yo'nalishlarda 9 nafar fuqaroga 80 mln. so'm kreditlar berildi.

– "Kambag'allikdan farovonlik sari" dasturi doirasida 17 nafar oila aniqlanib, ularga tizimli yordam ko'rsatib kelinmoqda, – deydi M. Matazova. – "Sayxunobod" tajribasi asosida bu yil 7 nafar oilaga issiqxona qurishda amaliy yordam ko'rsatildi. Ularning tomorqadan samarali foydalanib, oilalariga baraka kirayotganini ko'rib, o'zim ham quvonaman.

Darvoqe, Muhayyo Samarqand shahrida o'tkazilgan MDH davlatlari o'rtasidagi "Vatan iftixori" xalqaro ilmiy-amaliy ko'rik-tanlovi g'oliblaridan biri. U tanlovda "Mahallaga mehr, xalqqa sadoqat: ayol rahbarning hayotbaxsh faoliyati" nomli maqolasi bilan ishtirok etdi. Maqola ilmiy kengashning maxsus ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

Ohangaron shahrida yashovchi Odinaxon Ma'murjonova chizgan asarlar nafaqat yurtimizdagi, balki xorijiy mutaxassislarining ham e'tiboriga tushgan.

Joriy yil 19 bahorini qarshilagan yosh musavvir ilk muvaffaqiyatga 12 yoshida erishdi. U 2018-yilda "Kamalak yulduzlari" bolalar ijodiyot fes-



MO'YQALAM SEHRI

tivalida ishtirok etib, ikkinchi o'rinni egalladi. Oradan bir yil o'tib, ushbu festivalda birinchi darajali diplom bilan taqdirlandi. 2021-yilda Ispaniyaning Madrid shahrida bo'lib o'tgan "Spain Star production" xalqaro ko'rik-tanlovida uning "Bog'bon bobo" nomli asari 1-o'ringa loyiq topildi. Shuningdek, o'sha yili Londonda o'tkazilgan xalqaro festivalda dunyoning ko'plab iqtidorli yoshlari orasida 3-o'rinni egalladi.

Odinaxon yosh rassom 2023-yilda Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn institutining Kitob grafikasi yo'nalishiga o'qishga kirdi. Shundan so'ng yana qator muvaffaqiyatlarga erishdi. Jum-

ladan, 2024-yilda Rossiya bo'lib o'tgan "Творчи! Участвуй! Победа!" nomli xalqaro tasviriy san'at asarlari tanlovida ham 1-o'rinni qo'lga kiritdi.

Joriy yilning fevral oyida esa uning asarlari O'zbekiston Badiiy akademiyasining ilmiy ma'rifiy markazida ustozlari Nari-mon Sharipov boshchiligidagi o'tkazilgan "Grafika: ishtiyoq va san'at" nomli ko'rgazmadan o'rindi.

Darvoqe, O. Ma'murjonova yakunlangan o'quv yilida o'zi tashil olayotgan Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti rektori tomonidan ta'sis etilgan Shamsiro'y Hasanova stipendiyasini qo'lga kiritdi.

▼ Bu – qiziq

Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan 1999-yildan 12-avgust – Xalqaro yoshlar kuni deya e'lon qilingan. Shu kuni yoshlar bilan ishlash markazida BMTning yoshlar rivojlanishidagi agentliklar tarmog'i a'zolari ishtirokida kun mavzusi tanlanadi. Shuningdek, kunning virtual xotirasi tashkillashtiriladi. Dastur dunyo bo'ylab yigit-qizlarni o'z mamlakatidagi yoshlarning ahvoli to'g'risida xabardor qilish bo'yicha tadbirlar tashkil etishga undaydi.

maviy namoyishlari boshlangan, bu keyinchalik mamlakatda milliy ozodlik harakatining boshlanishiga turtki bo'lgan.

Turkiya Respublikasida har yili 19-mayda "Yoshlik va sport kuni" nishonlanadi. Unda davlat miqyosidagi marosimlar va sport tadbirlari o'tkaziladi. An'anaga ko'ra, sportchilar Turkiya bayrog'ini Qora dengiz portidan mamlakatning poytaxti tomon ko'tarib kelishadi.

Bu kun mamlakatda ras-

YOSHLAR KUNI: QAYSI DAVLATDA QACHON VA QANDAY NISHONLANADI?



1995-yilda Bosh Assambleya tomonidan qabul qilingan dastur dunyo miqyosida yoshlarning ahvolini yaxshilash uchun milliy harakatlar va xalqaro yordam uchun siyosiy asos va amaliy ko'rsatmalarni taqdim etdi.

Rossiyada "Yoshlar kuni" har yili 27-iyunda nishonlanadi. Bayram Rossiya Federatsiyasi Prezidentining 1993-yil 24-iyundagi farmoyishiga binoan belgilangan.

Rossiyada yoshlar 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan shaxslar hisoblanadi. Biroq Federatsiyaning normativ-huquqiy hujjatlarida 35 yoshgacha va undan yuqori yoshdagi shaxslar ham yoshlar sifatida e'tirof etilgan.

Xitoy Xalq Respublikasida 4-may – "Yoshlar kuni" deb belgilangan. Ushbu bayram rasmiy dam olish kuni bo'lib, 1949-yildan beri nishonlanib kelinmoqda. Milliy bayram sifatida nishonlanadigan bu kun Xitoy demokratiyasining shakllanish tarixidagi muhim tarixiy voqea bilan bog'liq. 1919-yil 4-mayda yoshlarning om-

miy dam olish kuni bo'lib, turli sport tadbirlari o'tkaziladi. Universitet talabalari o'qituvchilar va ota-onalar uchun maxsus dasturlar tayyorlaydilar.

Pokistonda 11-mart, Paragvayda 21-sentyabrda "Yoshlik va Bahor kuni" nishonlanadi.

Singapurda "Yoshlar kuni" har yili iyul oyining birinchi yakshanbasida nishonlanadi. Ertasiga maktablarda ta'til boshlanadi.

Janubiy Afrika Respublikasida – 16-iyun "Yoshlar kuni" sifatida e'tirof etilgan.

Venesuelada "Yoshlar kuni" 12-fevralda nishonlanadi. Bayram Venesuela mustaqilligi uchun jangda vafot etgan 12 yoshdan oshgan o'spirinlarni xotirlash uchun belgilangan.

Hindistonda "Milliy yoshlar kuni" har yili 12-yanvarda nishonlanadi. Shu kuni mamlakatdagi maktab va kollejlarda yoshlar anjumanlari, seminarlar, yoga taqdimotlari, insho yozish, ma'ruza, musiq, sport va boshqa dasturlar o'tkaziladi.

Internet ma'lumotlari asosida tayyorlandi

ABDUQODIRNING QIBRAYLIK IZDOSHI

Ma'lumki, Toshkent viloyati futbol maktabi o'z iqtidorlari bilan respublikada yetakchilik qiladi. Bugun ham Server Jeparov, Dostonbek Hamdamov, Jasur Yaxshiboyev kabi viloyatimizdan chiqqan charm to'p ustalarining "vorislari" bo'lmish ko'plab yoshlar katta futbolga dardil qadam qo'yishmoqda. Ulardan biri qibraylik Behruz Shukrullayev.

Joriy yilda 19 yoshga to'ladigan futbolchi hozirga qadar O'zbekiston U-14, U-17 hamda U-20 terma jamoalarida harakat qilib ulgur-gan. U 2023-yilda Indoneziyada o'tgan 17 yoshgacha bo'lgan



futbolchilar o'rtasidagi jahon chempionatida yurtimiz sharafiga munosib himoya qildi. Ayniqsa, kichik mundialning guruh bosqichi 3-turida Ispaniyaga qarshi o'tgan bahsda Behruz kiritgan gol yakunda vakillarimizga keyingi bosqich yo'llanmasini taqdim etgan edi.

Professional faliyatini "Olimpiya" jamoasida boshlagan Behruz joriy mavsum boshida Surxondar-yoning "Surxon" klubiga ko'chib o'tdi. U yerda qisqa vaqtda asosiy tarkib futbolchisiga aylandi.

Futbolchi maydonda o'zini tu-

tishi, ishonchli harakatlari bilan ko'pgina mahalliy va xorijiy klublarning nazariga tushdi. E'tiborlisi, ular orasida Angliyaning o'ziga yarasha mashhur klubi, bir necha mavsum Angliya premyer ligasida ishtirok etgan, hozirda Championship (premyer ligadan keyingi o'rinda turuvchi liga) vakili bo'lgan "Kuinz Park Reynjders" (qisqacha "KPR") ham bor edi. Bolaligidan ingliz futbol muxlisi bo'lgan hamda ushbu mamlakatda to'p tepishni orzu qilgan Behruz bu taklifni hech ikkilanmay qabul qildi. Hozirda Behruz "Tumanli Albion"da bo'lib turgan futbolchi ikki hafta mobaynida ko'rikdan o'tib, nazorat bahslarida maydonga tushadi. Agar uning o'yini ingliz klubi mutasaddilariga ma'qul kelsa, Behruz Abdugodir Husanovdan so'ng Angliyada to'p tepadigan ikkinchi o'zbek futbolchisiga aylanadi.

"Toshkent haqiqati" muxbirlari tomonidan tayyorlandi

▼ Президент топшириғи – амалда

ИШСИЗЛИКДАН ҲОЛИ ХУДУДЛАР КЎПАЙМОҚДА



Тошкент вилоятида аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга жойида ечим топиш мақсадида мутасаддилар томонидан "маҳаллабай" тизими асосида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.

ажратилиши туфайли Бекобод туманининг "Боғишамол" маҳалласидан Умид Алтмишова, "Илғор" маҳалласидан Нилуфар Абдуллаева ҳамда "Маллабой" маҳалласидан Дилбар Худойназарова тикувчилик фаолиятини ташкил этиб, ойига 5,5 – 6,5 миллион сўм даромад топмоқда. Бундан ташқари, масъуллар томонидан маҳаллада оилавий тadbirkorlik ортидан самарали даромад олаётганлар тажрибасини оммалаштириш чоралари кўрилмоқда.

Олмалиқ шаҳри кончилиқ ва саноатга ихтисослашган ҳудуд бўлса ҳам маҳаллаларда яшовчи аҳоли томорқасидан самара-

ли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда Республика ишчи гуруҳи ва шаҳар масъуллари ҳамкорлигида "Хилол" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жамолиддин Ҳайдаров хонадонида амалий семинар ташкил этилди. Унга маҳалладаги томорқасидан фойдаланмаётган фуқаролар жалб қилинди.

Жараёнда иссиқхоналарда бодиринг, помидор, булғор қалампир, редиска ва зиравор ўсимликлари етиштириш бўйича кўргазмали мисоллар асосида тажриба алмашилди. Хонадон эгаси Ж.Ҳайдаров ҳам ер тайёрлаш, сифатли сабзавот уруғла-

рини танлаш, кўчатларга ишлов бериш ҳамда ўсимликлар касалликлари қарши курашиш бўйича ўз тавсияларини берди. Шунингдек, фуқароларга банк хизматлари ва мавжуд имтиёзлар юзасидан маълумотлар ҳам етказилди.

– Ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам яхши натижа бермоқда, – дейди Тошкент вилояти Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Зиёдбек Йўлдошов. – Хусусан, Чирчиқ шаҳар Камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан "Наврўз", Ҳамза номли ва "Мурувват" маҳаллаларидаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ўтказилган меҳнат ярмаркаси ҳам самарали бўлди. Унда ҳудуддаги 28 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги мавжуд бўш вакант иш ўринларини аҳолига тақлиф қилишди. Кўплаб фуқаролар ишга жойлашиш учун йўлланма олишди.

Умуман олганда, мамлакатимизда аҳолини ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва даромад манбаини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари мунтазам равишда амалга ошириш мақсадида мувофиқдир.

Нигора УРОҚОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

▼ Мавсум

Мамлакатимизда ғалладан бўшаган майдонларда сердаромад ва экспортбон қишлоқ хўжалиғи экинларини етиштириш, талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАКРОРИЙ ЭКИН – ДАРОМАД ГАРОВИ

Хусусан, жорий йилда Тошкент вилоятида эртаки экинлар ва ғалладан бўшаган 80 минг гектар майдонга такрорий экинлар екилиши режалаштирилган. Бу йил ҳудуд деҳқонлари томонидан мавжуд 103 минг гектар ер майдонига етиштирилган ғаллани нобуд қилмасдан ўриб-йигиб олиш ишлари ушшоқлик билан амалга оширилмоқда.

– Аҳолини арзон, сифатли, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида эртаки экинлардан ва ғалладан бўшаган майдонлар шудгорланиб, такрорий экинлар екиляпти, – дейди "Ўзагроинспекция"нинг Тошкент вилояти бошқармаси шўъбаси бошлиғи Шерзод Усубалиев. – Жумладан, 15 та тумандаги фермер хўжалиқларининг эртаки экинлардан ва ғалладан бўшаган 80 минг гектар ер майдонларига такрорий экин экиш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Таҳлилларга кўра, шу кунга қадар вилоят бўйича жами 10 минг 249 гектар, шундан 156 гектар ер майдонига сабзавот, 5 минг 91 гектарда дуккакли экинлар, 131 гектарда полиз, 612 гектарда шולי ҳамда 4 минг 259 гектар ерда озуқа экинлари екилиши таъминланди. Ҳозирда такрорий экинларни ўз вақтида экиш юзасидан бошқарманинг туман бўлимлари ходимлари томонидан жойларда профилактик тadbirlar олиб боришмоқда.

Ўз муҳбири





YANGI O'ZBEKISTON YOSHLARI, BIRLASHAYLIK!



Kuni kecha Nurafshon shahridagi markaziy o'yingohda sana munosabati bilan "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida yoshlar festivali bo'lib o'tdi. Unga O'zbekistonda kasaba uyushmalari harakatining 120 yilligi munosabati bilan tashkil etilgan "Kasaba uyushmalari yoshlari – Yangi O'zbekiston bunyodkori!" shiori ostidagi Respublika yoshlar forumi ulanib ketdi. Forumda mamlakatimizning 12 ta viloyatidan tashrif buyurgan faol yoshlar ishtirok etishdi.

Aytish joizki, bugungi O'zbekiston yoshlari jamiyatda faol, o'z pozitsiyasiga ega, bilimli va tashabbuskor shaxs sifatida shakllanmoqda. Bu, avvalo, davlatimiz tomonidan yoshlarga yaratilayotgan imkoniyatlar, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, salohiyatlarini yuzaga chiqarishga qaratilgan keng ko'lamli islohotlar samarasidir.

Xususan, "Yoshlar daftari", "Yoshlar balansi" platformalari orqali minglab yoshlar mustaqil ish boshladi, kasb-hunar ega bo'ldi, o'z orzulariga yo'l topdi. Universitetlarda, texnikumlarda, kasb-hunar markazlarida ta'lim sifatini oshirish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb etish, ularning startap g'oyalarni moliyalashtirish – bugungi kunning ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Quvonarlisi, madaniyat, sport va san'at sohalarida ham yoshlarning faolligi ortmoqda. Milliy va xalqaro musobaqalarda O'zbekiston yoshlari faxrlari o'rinlarni qo'lga kiritishmoqda. Bu nafaqat shaxsiy yutuq, balki yurtimiz sharafiga, millat yuzi demakdir.

E'tiborlisi, siyosiy jamiyatlarda ham yoshlarning ishtiroki yaqqol sezilmoqda. Yosh deputatlar, faol blogerlar, jamoatchilik faollari orqali yigit-qizlar o'z muammolarini ochiq bildirib, ularni hal etishda ishtirok etmoqda. Bu – davlat va jamiyat o'rtasidagi ishonchli muloqot poydevoriga aylanmoqda.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

bilan samimiy tabrikhladi.

– Jismonan barkamol, ma'nan yetuk, zamonaviy bilim va ko'nikmalarni chuqur egallagan, irodasi mustahkam yoshlar – mamlakatimizning ertangi kuni bunyodkorlarini sizning timsolingizda ko'ryapimiz, – dedi viloyat rahbari. – Tobora jahonga ochilib, taraqqiyotga dadil intilib, o'z oldiga qo'ygan ulkan maqsad va marralari sari shiddat bilan qadam bosayotgan Yangi O'zbekiston kelajagi sizning bugungi shijoatigizga, o'qish va intilishlaringizga har jihatdan bog'liqdir. Yurtboshimiz sizga qarata "Aziz o'g'il-qizlarim, marrani baland oling, kelajak

sizniki", deya yashil yo'l ochib berganlar. Ana shu imkoniyatdan unumli foydalangan holda marrani baland oling. Sizlarni bugungi bayram bilan yana bir bor tabriklab, o'z oldingizga qo'ygan maqsadlarga erishishda barchangizga sihat-salomatlik, shijoat, omad va zafarlar ti-

"Yoshlar daftari"ga 2 ming 971 nafar yigit-qiz kiritilib, ularga 8 milliard 605 million so'mlik moddiy yordam ko'rsatildi. "Ibrat farzandlari" loyihasi doirasida 237 mingdan ortiq yoshlar 23 ta xorijiy tilga, "Ustoz Al" loyihasi doirasida esa qariyb 33 ming nafar yoshlar 40 ga yaqin zamonaviy kasblarga o'qitildi. 703 mingdan ziyod yoshlar "Besh tashabbus olimpiadasi" musobaqalariga qamrab olindi.

– Mamlakatimizda yoshlarning ta'lim olishi, kasb-hunar egallashi, yetuk insonlar bo'lib ulg'ayishlari uchun zamonaviy, ilg'or-innovasion shart-sharoitlarni yaratib berish maqsadida bor kuch va imkoniyatlar ishga solinmoqda, – deydi Yoshlar ishlari agentligi Toshkent viloyati boshqarmasi boshlig'i Nodirbek Xojiyev. – Chunki yosh avlodni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ma'naviy yetuk, jismonan sog'lom, vatanparvar va fidoyi etib tarbiyalash, huquq hamda manfaatlarini himoya qilishga e'tibor qan-

vestitsion loyihalarni ham amalga oshirishga qodirligini namoyon etib kelishmoqda.

"Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida o'tkazilgan bayram oqshomida viloyatimizning barcha shahar va tumanlaridan minglab yoshlar qatnashishdi. Chehrasi shukuhdan porlab turgan yigit-qizlar yangi do'stlar ortirishdi, o'z maqsad va g'oyalari bilan o'rtoqlashishdi.

Shu kuni yoshlar bilan ishlashda faollik ko'rsatgan, yoshlarga doir davlat siyosatini amalga oshirishda alohida namuna bo'lgan rahbarlar, shuningdek, bir guruh yigit-qizlar viloyat hokimligining faxriy yorliq va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

– Festivaldan bir olam taassurotlar oldik, bayramona kayfiyat bizni yangi g'oyalar sari ilhomlantirdi, – deydi Yangiyo'l shahridan kelgan yoshlar faoli Alibek Erkinov. – Bu yerda respublikamizning turli hududlaridan kelgan faol, iqtidorli yoshlar bilan uchrashdik. Bu bizga tajriba almashish, salohiyatimizni ko'rsatish, boshqalardan o'rganish va yangi tashabbuslarni ilgari surish imkonini berdi. Eng muhimi, hammamizning maqsadimiz bir – Vatan taraqqiyotiga hissa qo'shish. Festivalning muhiti, tashkiliy jihatlar, o'zaro muloqot imkoniyatlari yuqori darajada, pozitiv kayfiyatda o'tdi. Tengdoshlarimga aytar so'zim – faol bo'ling, o'z ustingizda ishlang, o'zgarishni o'zingizdan boshlang. Fikringiz, tashabbusingiz bormi – dadil bildiring. Davlatimiz, Prezidentimiz bizlarga ishonmoqda. Shunday ekan, birlashaylik, Yangi O'zbekistonni birgalikda quraylik!

Kechaning badiiy qismi chiroqlar shousini bilan boshlandi. El ardog'ida-gi san'atkorlar, estrada xonandalari, "Barkamol avlod" bolalar markazining "Raqs" guruhi ishtirokchilarining chiqishlari, sahnalashtirilgan musiqiy kompozitsiyalar barchaga xush kayfiyat ulashdi. Qo'shiqlar raqslarga ulandi. Ayniqsa, katta monitorda iqtidorli yoshlar hayotiga oid qo'yilgan roliklar yigit-qizlarga ko'tarinki motivatsiya berdi.

Bayram shousi yakunidagi rang-rang mushakbozlik ishtirokchilarga unutilmas lahzalarni hadya etdi.

Nozima RASULOVA,
"Toshkent haqiqati" muxbiri
Jaloliddin ESONOV
olgan suratlar



Eng muhimi, O'zbekiston Prezidentining yoshlarga oid siyosati dunyo miqyosida tan olinib, munosib e'tirof topmoqda. Ayniqsa, Yoshlar taraqqiyoti xalqaro indeksiga ko'ra, "O'zbekiston yoshlar siyosati sohasida eng tez rivojlanayotgan mamlakat", deya e'tirof etilgani quvonarlidir. Shuningdek, BMT tomonidan 2030-yilga qadar "Yoshlar strategiyasi"ni amalga oshirish bo'yicha tanlab olingan 10 ta namunaviy mamlakatdan biri aynan bizning Vatanimiz ekanini har birimizning ko'ksimizni faxrga to'ldiradi.

Tadbirda ishtirok etgan Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev yoshlar va forum ishtirokchilarini bayram

layman! Har biringizga el-yurtimiz faxrlanadigan, Yangi O'zbekistonga munosib farzand, haqiqiy fidoyi bo'lish baxti nasib qilsin!

Darhaqiqat, yoshlar – katta kuch. Bugun viloyatimiz aholisining 1 million 542 ming nafardan ziyodini yoshlar tashkil qiladi. 12 mingdan ziyod yoshlarga 5 ming gektardan ortiq unumdor yer maydonlari berildi, 79 nafariga 7 milliard 371 million so'mlik imtiyozli kredit ajratildi. Shuningdek, 9 ming 31 nafar ishsiz yoshlar 312 ta idora va tashkilot rahbarlariga nomma-nom birlashtirilishi natijasida 4 mingga yaqin yoshlarning muammolari hal etilib, bandligi ta'minlandi.

cha kuchaytirilsa, uning samarasi shuncha yuqori bo'ladi. Shu bois yurtimizda jamiyatning faol qatlami sifatida e'tirof etiluvchi yoshlar qatlamiga «muammo» deb emas, balki Vatan ravnaqini ta'minlovchi katta kuch, davlatning strategik resursi sifatida qaralmoqda. Natijada bugun yuksak bilimli, zamonaviy fikrlaydigan, qat'iy pozitsiyaga ega yoshlar mamlakatning ertangi taraqqiyotida tobora hal qiluvchi kuchga aylanishmoqda.

Takidlanganidek, viloyatimiz yoshlari ilm-fanda ilg'or, zamonaviy fikr, kreativ tashabbuslarga ega. Ular kichik biznesdan tortib yirik in-



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Azamat MIRZAYEV
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Shahboz NIZOMIDDINOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Behzod QOBULOV
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchesi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 00.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-635.

4 170 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektamir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"
tahririyati kompyuter markazida
teriladi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.**
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.